



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
BANDLIK VA MEHNAT MUNOSABATLARI VAZIRLIGI

BUYRUQ

“ 26 ” апрель 20 21 yil

№ 172-ИЧ

Toshkent shahri

**Вазирлик марказий аппарати,
тизимдаги тасарруфий ташкилотлар
ҳамда ҳудудий меҳнат органларида
харидлар соҳасидаги муносабатларни
янада такомиллаштириш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 27 сентябрдаги ПҚ-3953-сон қарори ҳамда Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда 3016-сон билан рўйхатга олинган “Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом талабларига мувофиқ,

Б У Ю Р А М А Н:

1. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Меҳнат органлари тизимида давлат харидларини мувофиқлаштириш шўъбасининг 2020 йил давомида тизимдаги тасарруфий ташкилотлар ҳамда ҳудудий бош бошқармаларда харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш бўйича олиб борган фаолияти қониқарсиз деб топилсин.

2. Кадрлар бошқармаси (А.Эгамов) ҳамда Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағларидан самарали ва мақсадли фойдаланиш бошқармаси (А.Тошматов)ларга:

шўъба мудирини лавозимига малакавий талабларни ишлаб чиқиш;

шўъба мудирини лавозим мажбуриятларини қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш;

шўъба томонидан тизимдаги тасарруфий ташкилотлар ҳамда ҳудудий бош бошқармаларда харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш бўйича аниқ механизмларини ишлаб чиқиш вазифалари юклатилсин.

3. Вазирлик марказий аппарати харид комиссияси таркибига назоратчи сифатида Комплаенс назорат шўъбаси мудирини (А.Абдукаримов) ҳамда харид жараёнларини баҳолаш ва якуний хулоса бериш учун Молиявий назорат бўлими бошлиғини (М.Пулатова) киритилсин.

4. Вазирлик бошқарма ва бўлим (шўъба) бошлиқларига:

товарлар (ишлар, хизматлар)ни харид қилиш бўйича таклиф (билдирги) тайёрлашда ўз олдида турган вазифаларни ҳал этишни таъминлайдиган ҳақиқий талабларни ва эҳтиёжларни самарали қаноатлантириш учун давлат харидларини ўтказишнинг мақсадга мувофиқлиги ва зарурлиги, танлашнинг, унинг истеъмол хусусиятларининг (тавсифининг), сифат кўрсаткичлари ва қийматининг асосланганлиги ҳисобга олинганлиги учун масъуллиги;

товарлар (ишлар, хизматлар)ни харид қилиш бўйича таклиф (билдирги)ларда Комплаенс назорат шўъбаси мудирини (А.Абдукаримов) ҳамда харид жараёнларини баҳолаш ва якуний ҳулоса бериш юзасидан Молиявий назорат бўлими бошлиғини (М.Пулатова)лар билан келишишлари шартлиги белгилаб қўйилсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Бандлик бош бошқармаларида харид тартиб-таомилларини такомиллаштириш, давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари бузилишининг олдини олиш ҳамда харидларни очиқлик ва шаффофлик принциплари асосида амалга ошириш мақсадида, давлат харидларини амалга оширишда тартиб-таомиллар, давлат харидларининг талаблари ва шартлари, қонун ҳужжатларига амал қилган ҳолда, махсус ахборот порталига жойлаштириш бўйича жавобгарлик шартномаси асосида масъул ходим белгилансин.

6. Масъул ходимнинг асосий вазифалари этиб қўйидагилар белгилансин ва давлат харидлари жараёнининг барча босқичларида қўлланилсин, жумладан:

махсус ахборот порталининг дастурий-техник комплекси орқали ахборот-коммуникация технологиялари воситасида давлат харидларини амалга ошириш бўйича маълумоти бўлиши, малакасини мунтазам равишда ошириши ҳамда босқичма-босқич амалий тажрибага эга бўлиб бориши тўғрисидаги талаблар белгилансин;

давлат буюртмачисининг ўз олдида турган вазифаларни ҳал этишининг ҳақиқий талаблари ва эҳтиёжларини самарали қаноатлантириш учун давлат харидларини ўтказишнинг мақсадга мувофиқлиги ва зарурлиги, товарни (ишни, хизматни) танлашнинг, унинг истеъмол хусусиятларининг (тавсифининг), сифат кўрсаткичлари ва қийматининг асосланганлиги ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилсин;

давлат харидлари учун ажратилган маблағлардан самарали фойдаланиш, шу жумладан товарларни (ишларни, хизматларни) олишдан кўрилган наф, уларнинг сифати ва қиймати ўртасидаги мақбул нисбатни (фойдаланиш даври харажатларини ҳисобга олган ҳолда) молиявий маблағлардан фойдаланишнинг оқилоналиги, тежамкорлиги ва самарадорлигини ошириш;

очиқлилик ва шаффофлик;

харид қилиш тартиб-таомилларига доир ҳужжатларни ва ҳисоботларни тузиш ҳамда бут сақлаш;

харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчилари ўртасида тортишув, харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқишда ҳамда холис ва асосли мезонлар асосида энг мақбул таклиф фойдасига якуний қарор қабул қилишда беғаразлик ва шаффофлик механизмларидан фойдаланиш;

давлат харидларини амалга оширишда ўз расмий веб-сайтига ёки ўзининг юқори турувчи органи расмий веб-сайтига, шунингдек, оммавий ахборот воситаларига эълон жойлаштириш;

коррупцияга йўл қўймаслик чораларини кўриш.

7. Белгилаб қўйилсинки:

2021 йил 1 майдан бошлаб вазирлик марказий аппарати, ҳудудий ва тасарруфий ташкилотларда харид қилиш тартиб-таомилларини амалга оширишнинг ҳар қандай тури коррупцияга қарши курашиш ва молиявий назорат тизими ходимлари билан олдиндан келишилгандан сўнг амалга оширилади;

харид қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваридан юқори (электрон дўкондан ташқари) миқдордаги товарлар (ишлар, хизматлар)ни харид қилишда қатъий равишда олдиндан вазирлик билан ёзма равишда келишилади. Бунда кузатув хати билан, харидларни амалга ошириш жараёнларидаги бошланғич нархларнинг белгиланишини асословчи махсус рухсатнома (лицензия) асосида фаолият кўрсатувчи мустақил нархловчи корхона ва (ёки) муассаса (ташкилот)ларнинг тасдиқланган ҳулосалари (далолатнома ва ш.к.) ёки бошланғич нархларнинг шаклланишини асослантувчи бошқа ҳужжатлар илова қилинган ҳолда харид қилиниши режалаштирилган товарлар (ишлар, хизматлар) тўғрисидаги тўлиқ маълумотлар тақдим этилиб борилсин;

харид қилиш тартиб таомилларини бузиш ҳамда харид қийматини сунъий камайтириш мақсадида (харид предметини қисмлаб, гуруҳларга ажратиб ва ш.к.) эълон бериш ва (ёки) шартномалар тузиш таъқиқлансин.

8. Бандликка кўмаклашиш Давлат жамғармаси маблағларидан самарали ва мақсадли фойдаланиш бошқармаси (А.Тошматов), Молиявий назорат бўлими (М.Пулатова), Коррупцияга қарши курашиш “Комплаенс назорат” шўъбаси (А.Абдукаримов)га:

Вазирлик марказий аппарати, ҳудудий ва тасарруфий ташкилотлар томонидан давлат харидларини амалга оширишда бошланғич нархларнинг харид қилиш давридаги бозор нархлари асосида ҳаққоний шакллантирилганлиги назоратга олинсин;

харид қийматини сунъий камайтириш мақсадида харид предметини қисмлаб, гуруҳларга ажратиб ёки бошқа шаклларда бўлиб эълон бериш ва (ёки) шартномалар тузиш ҳолатларига йўл қўйилмаслиги устидан доимий мониторинг ва назорат ишлари олиб борилсин.

9. Вазирликнинг тасарруфий ташкилотлар ва ҳудудий меҳнат органлари раҳбарларига:

ушбу буйруқ талабларига қатъий риоя этилсин;

харид қилиш тартиб-таомиллари ғолибини танлаш тўғрисида қарорлар қабул қилиш ваколатига эга бўлган камида етти нафар аъзодан иборат таркибда харид комиссияси тузилсин ҳамда комиссияга назоратчи вакил сифатида вазирликнинг давлат харидлари бўйича масъул ходими киритилсин;

товарлар (ишлар, хизматлар) харидларини ўтказилиши, харидлар тўғрисидаги эълонлар вазирлик ҳамда ташкилот веб-сайтида жойлаштирилган ҳолда амалга ошириш вазифалари юклансин.

10. Ахборот хизмати (М.Мирзаева) вазирлик марказий аппарати томонидан товарлар (ишлар, хизматлар) харидларини ўтказилиши, харидлар тўғрисидаги эълонлар ҳамда амалга оширилган харидлар тўғрисидаги таҳлилий маълумотларни ҳар чорак якуни билан вазирликнинг расмий веб сайтида доимий равишда эълон қилиб борилсин.

11. Вазирлик марказий апаратининг харид комиссияси фаолияти Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2020 йил 23 октябрдаги 200-ич-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигида ташкил этиладиган танлов(тендер) ўтказиш бўйича харид комиссиялари тўғрисида”ги низомга қатъий амал қилган ҳолда амалга оширилиши таъкидлансин.


12. Худудий ва тасарруфий ташкилотларида “Ташкил этиладиган танлов (тендер)лар ўтказиш бўйича харид комиссиялари тўғрисида”ги намунавий низом **1-илова**га мувофиқ тасдиқлансин.

13. Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Бандлик бош бошқармаларида “Давлат харидларини амалга ошириш доирасида харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиларини текшириш жараёни бўйича” намунавий йўриқнома **2-илова**га мувофиқ тасдиқлансин.

14. Девонхона мудирини (А.Раимжонов) бир кун муддатда мазкур буйруқнинг вазирлик марказий аппарати тузилмалари, худудий ва тасарруфий ташкилотларга етказилсин.

15. Ушбу буйруқ ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Э.Мухитдинов зиммасига юклансин.

Вазир



Н. Хусанов

Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазирининг
2021 йил “26” апрелдаги
172-чз. -сон буйруғига
1-илова

Ташкил этиладиган танлов (тендер)лар ўтказиш бўйича харид комиссиялари тўғрисида намунавий НИЗОМ

1-боб. Умумий қондалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг ҳудудий ва тасарруфий ташкилотларида ташкил этиладиган танлов (тендер) ўтказиш бўйича харид комиссияларининг (кейинги ўринларда “Харид комиссияси” деб юритилади) вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари, жавобгарлиги ва фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилаб беради.

Ушбу Низом билан тартибга солинмаган ҳолатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тартибда амалга оширилади.

2. Харид комиссияси харид қилиш тартиб-таомиллари ғолибини танлаш тўғрисидаги қарорлар қабул қилиш ваколатига эга бўлган коллегиял органдир.

Харид комиссияси ишининг асосий мақсади иштирокчиларнинг таклифларини буюртмага мувофиқлик даражаси бўйича ҳолис баҳолашдан ва тартибга солишдан ҳамда давлат харидлари рақобатлашув усуллари орқали амалга оширилганда ғолибни (ғолибларни) танлашдан иборат.

3. Харид комиссияси доимий фаолият кўрсатади ҳамда тегишли буйруқ билан шакллантирилади ва тарқатиб юборилади.

4. Харид комиссияси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари, бошқа қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тўғрисидаги низом, Вазирлик Ҳайъатининг қарорлари, вазир буйруқлари, топшириқлари ҳамда ушбу Низомга амал қилади.

5. Харид қилиш тартиб-таомиллари:

харидлар хўжалик фаолияти доирасида ўтказилганда Харид комиссияси давлат буюртмачисининг вакиллари орасидан, зарур бўлган тақдирда овоз бериш ҳуқуқига эга экспертларни жалб этган ҳолда шакллантирилади;

лойиҳа айрим фаолиятлар доирасида ўтказилганда Харид комиссияси вазифаларини белгиланган тартибда ташкил этиладиган “лойиҳани амалга оширувчи гуруҳ” бажаради,

харид қилиш тартиб-таомилларини ўтказиш натижалари тўғрисида қарорлар қабул қилинади.

2-боб. Харид комиссиясининг асосий вазифалари

6. Харид комиссиясининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

танлов (тендер) ҳужжатларини келишиш;
 таклифлар қабул қилинадиган муддатларни белгилаш;
 таклифларни очиш тартиб-таомилларини белгилайди;
 таклифларни баҳолаш мезонларини белгилаш ва унга асосан баҳолаш;
 таклиф киритиш тартибини, ҳажмини ва уни таъминлаш шаклини белгилаш;
 харид қилиш тартиб-таомили иштирокчиларининг таклифларини очиш, малака танловини ўтказиш, агар танлов (тендер) ҳужжатлари шартларида бу назарда тутилган бўлса;
 харид қилиш тартиб-таомилларини қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириш;
 харид қилиш тартиб-таомилларининг рақобатлашув турлари, ижрочиси ва захира ижрочисини белгилайди ёки савдони амалга ошмаган деб топади.

Харид комиссияси қонун ҳужжатлари ва ушбу Низом талабларидан келиб чиқиб бошқа вазифаларни ҳам бажариши мумкин.

7. Харид комиссияси харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчилари тўғрисида қуйидаги маълумотларни ўрганади:

харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчисининг таъсис ҳужжатлари ва шартнома тузиш ваколатини таҳлил қилади;

солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорлик мавжуд эмаслигини текширади;

харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчисига нисбатан банкротлик тартиб-таомиллари жорий этилмаганлигини ўрганади;

харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси ҳақида Инсофсиз ижрочилар ягона реестрида ёзув мавжуд эмаслигини аниқлайди;

ахборотларнинг очик манбаларида эҳтимоли бўлган коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида маълумотлар мавжуд эмаслиги аниқлайди;

харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчисининг расмий веб-сайтидаги маълумотларни таҳлил қилади;

ташкilotнинг харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси билан ўзаро ҳамкорлиги тарихини ўрганади;

харид иштирокчиларида шартномани бажариш учун зарур техник, молиявий, моддий, кадрларга оид ва бошқа ресурслар мавжудлигини таҳлил қилади.

манфаатлар тўқнашуви мавжудлигини ўрганади;

харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси томонидан содир этилган коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида маълумотларни ўрганади;

коррупцияга қарши ҳужжатларини текширади (тақдим этилган ёки сайтдаги) (агар мавжуд бўлса).

Мазкур йўналишлар бўйича харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчилари тўғрисидаги

маълумотларни ўрганиш “Давлат харидларини амалга ошириш доирасида харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиларини текшириш жараёни бўйича наъмунавий йўриқнома”га мувофиқ амалга оширилади.

3-боб. Харид комиссияси ишини ташкил қилиш

8. Давлат харидларини танлов (тендер) орқали амалга ошириш жараёнида камида етти нафар аъзодан иборат таркибда комиссия тузилади.

Қонунчиликда бошқача ҳолатлар назарда тутилмаган бўлмаса, Харид комиссиясининг таркиби бошқарув ходимларидан ташкил этилади.

9. Харид комиссияси тоқ сонли аъзолардан иборат бўлади, унинг аъзолари таркиби ва сони харид қилиш тартиб-таомилининг турига боғлиқ бўлади ҳамда олинаётган товарнинг (ишнинг, хизматнинг) хусусиятлари инобатга олинган ҳолда ўзгартирилиши мумкин.

10. Қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг беш минг бараваридан ортиқ миқдордаги давлат харидлари ўтказилганда харид комиссияси таркибига давлат буюртмачисининг вакиллари ташқари Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Узинжиниринг” республика лойиҳалаштириш институтининг вакиллари киритилади.

11. Харид комиссиясининг ишига раис раҳбарлик қилади, у Харид комиссияси мажлисларини чақиради ва олиб боради, овозга қўйишни ва Харид комиссияси томонидан қабул қилинган қарорларни эълон қилади, шунингдек, харид комиссияси мажлисларининг баённомаларини имзолайди.

Танлов (тендер) ўтказиш жараёни Харид комиссияси раиси ёки келишувга кўра раис ўринбосарларидан бирининг раҳбарлигида ва иштирокида ўтказилиши мумкин.

Харид комиссияси Раиси қуйидаги ваколатларга эга:

Харид комиссияси мажлисларини чақиритиш ва мажлис кун тартибини белгилаш;

Харид комиссияси қабул қилган қарорлар бажарилишини назорат қилишни ташкил этиш;

Харид комиссия аъзолари томонидан ўз зиммаларига юклатилган вазифалар бажарилишини мувофиқлаштириш;

Харид комиссия аъзолари фаолиятини назорат қилиш;

Харид комиссияси самарали ишлаши учун зарур бўладиган бошқа чораларни кўриш.

12. Харид комиссиясининг мажлисини раис ёки келишувга кўра унинг ўринбосари олиб боради. Харид комиссиянинг йиғилиши унинг аъзоларининг камида ярми иштирок этган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

13. Харид комиссиясининг ишчи органи вазифасини:

7-банднинг иккинчи-ўн биринчи хатбошиларида назарда тутилган масалалар бўйича - Ишлар бошқармаси (ёки масъул мутахассис) / Меҳнат органлари тизимида давлат харидларини мувофиқлаштириш шўъбаси (ёки масъул туркибий тузилма, мутахассис);

7-банднинг ўн иккинчи хатбошисида назарда тутилган масалалар бўйича - Кадрлар бошқармаси (бўлим, инспектор)/ Коррупцияга қарши курашиш тизими ходими/ Молиявий

назорат тизими ходими;

7-банднинг ўн учинчи ва ўн туртинчи хатбошиларида назарда тутилган масалалар бўйича - Харид комиссиясининг котиби амалга оширади.

14. Харид комиссиясининг тезкор фаолияти унинг овоз бериш ҳуқуқига эга аъзоси бўлган масъул котиб томонидан ташкил қилинади.

15. Муайян бир давлат харидини амалга ошириш Харид комиссияси аъзоларида давлат хариди иштирокчиси билан манфаатлар тўқнашуви мавжудлигини кўрсатувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, бундай аъзонинг овози мазкур масала бўйича овоз бериш натижаларидан чиқариб ташланади.

16. Мазкур Низомнинг 15-бандида кўрсатилган шахсларни Харид комиссияси таркибига киритилишини олдини олиш Харид комиссияси аъзоларини рад қилиш ва ўзини ўзи рад қилиш йўли билан амалга оширилади.

17. Мазкур Низомнинг 15-бандида назарда тутилган шахслар Харид комиссияси таркибига киритилганлиги аниқланганда Комиссия раиси бундай шахсни муайян харидни ўтказгунга қадар рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши шарт. Комиссия аъзосини рад этиш ҳақидаги қарор ёзма шаклда расмийлаштирилади ва рад этишга асос булувчи ҳолатлар ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олиши лозим.

18. Ушбу Низомнинг 17-бандида назарда тутилган қарор қабул қилинган тақдирда, шунингдек, Харид комиссияси аъзоси ўзини ўзи рад қилган тақдирда ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда Комиссия аъзоси маълум харидлар бўйича Комиссия йиғилишларида қатнашишга ҳақли эмас.

19. Харид комиссияси аъзоларида иштирокчилар билан шахсий манфаатли алоқалар мавжуд бўлган тақдирда, харид комиссиясининг бундай аъзоси бу масала кўтарилган мажлисда ўзини ўзи рад этиши ва мазкур масала бўйича овоз беришда иштирок этмаслиги керак, бу ҳақда баённомада қайд этилади.

20. Мазкур Низомнинг 12-бандида назарда тутилган кворум мавжуд эмаслиги туфайли Харид комиссияси аъзосини вақтинча алмаштириш зарур бўлганда Харид комиссияси аъзосини вақтинча алмаштириш ҳақидаги қарор Харид комиссияси мажлиси баённомасига тегишли маълумотлар киритилган ҳолда расмийлаштирилади.

4-боб. Харид комиссияси ва аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

21. Харид комиссияси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) танлов иштирокчисидан унинг малакавий талабларга мувофиқлигини тасдиқловчи далилларни ҳужжат шаклида тақдим этилишини талаб қилиш;

б) ўз қарори билан қуйидагиларга асосан танлов (тендер) иштирокчиларини танловда (тендерда) иштирок этишни давом эттиришдан четлатиш ва уларнинг таклифларини кўриб чиқишни давом эттирмасдан қайтариб бериши мумкин:

Инсофсиз ижрочилар ягона реестрида танлов иштирокчилари ҳақидаги ёзувлар аниқланганда;

танлов иштирокчиларда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан қарзи мавжудлиги аниқланганда;

агар танлов иштирокчисида қонунчиликни бузадиган тарзда адолатсиз рақобат устунлиги ёки манфаатлар тўқнашуви бўлганда;

в) харид ташаббускори, ташкилотчиси, ихтисослаштирилган ташкилотдан кўриб чиқиладиган масалалар бўйича ҳар қандай маълумот ва ҳужжатларни сўраб олиш;

г) тегишли органлар ва ташкилотлардан харид иштирокчиларининг харид ҳақидаги ҳужжатларда белгиланган талабларга мувофиқлигини аниқлаш учун зарур маълумотларни белгиланган тартибда сўраб олиш;

д) тендер/танлов иштирокчиларига у ёки бу таклифни рад этиш сабабларини тушунтириб бериш. Бунда таклифларнинг нарх ва ишларни бажариш муддати билан бирга мазмунини ўзгартирадиган тушунтиришлар берилишига йул қўйилмайди.

22. Харид комиссиясининг аъзолари қуйидагиларга мажбур:

узрли ҳолатлардан (вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик, хизмат сафари ва бошқа сабаблар) ташқари Харид комиссиясининг мажлисларида шахсан иштирок этиш;

қонунчиликда белгиланган тартибга мувофиқ харидларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тартиб-таомилларига риоя қилиш;

харид қилиш тартиб-таомили иштирокчиларини текшириш бўйича зиммасига юкланган вазифаларни бажариш;

агар танлов иштирокчиси томонидан бирон-бир ҳаракатни содир этишга, қарор қабул қилишга ёки танлов савдоларини ўтказиш жараёнида буюртмачининг муайян бир харид қилиш тартиб-таомилини ўтказишга таъсир қилиш мақсадида буюртмачининг ҳозирги ёки аввалги ходимига ёки Харид комиссиясининг аъзосига ҳар қандай кўринишдаги мукофотни, ишга қабул қилиш ҳақида таклиф ёки қимматбаҳо ашё ёхуд хизматни тақдим қилса ёки тақдим қилишга розилик берганда, бевосита ёки билвосита таклиф қилганда дарҳол Харид комиссияси раисига ҳамда коррупцияга қарши курашиш “Комплаенс назорат” шўъбасига хабар бериш;

танлов иштирокчиси таклифларида Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган талабларнинг, савдо объектининг танлов ҳужжатларида қайд этилган шартларнинг бузилиши аниқланганда ёки танлов иштирокчиси қайта ташкил этиш (ажратиш, кўшиш), тугатиш ёки банкротлик (мол-мулкни хатлаш) жараёнида бўлганда, шунингдек, нотўғри ахборот тақдим этилганда иштирокчини танловдан четлаштириш чораларини кўриш;

комиссия аъзоси - таъсис ҳужжатлари, молиявий жихатдан қатнашиш, холдинг ёки бошқача шаклда танлов иштирокчилари бир-бирига ташкилий-ҳуқуқий ёки молиявий жихатдан боғлиқ бўлганда ўзини ўзи рад этиш;

ўз ваколати доирасида ҳолисона қарорлар қабул қилиш.

23. Харид комиссияси котиби ташкилий-техник тавсифдаги функцияларни бажаради, жумладан, Комиссия аъзолари томонидан имзоланадиган баённомаларни юритади, Комиссия аъзоларига Харид комиссиясининг навбатдаги мажлиси ҳақида аввалдан хабар беради, мазкур

Низомнинг 7-бандида белгиланган ҳолларда мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини ўрганади ва бу ҳақда комиссия йиғилишида маълум қилади.

Харид комиссияси мажлисида Харид комиссияси котиби иштирок эта олмаганда унинг функцияларини Харид комиссияси раиси томонидан тайинланган Харид комиссияси мажлисида ҳозир бўлган аъзоларидан бири бажаради.

24. Харид комиссияси томонидан ўз ваколати доирасида қабул қилинадиган қарорлар барча иштирокчилар учун мажбурийдир.

5-боб. Харид комиссияси ишини ташкил этиш

25. Харид комиссияси ўтказилаётган танлов (тендер) савдоси доирасида танловга (тендер) оид таклифларни тайёрлаш муддати ҳақида қарор қабул қилади ва таклифларни қабул қилишнинг сўнги муддатини белгилайди. Харид комиссияси танловга оид таклифларни тақдим этиш муддатини узайтириш ҳақида қарор қабул қилиши мумкин.

Бунда таклифларни тайёрлаш муддати махсус ахборот порталида ва бошқа оммавий ахборот воситаларида биринчи эълон берилган пайтдан бошлаб ўн кундан кам бўлмаслиги керак.

26. Харид комиссияси харид қилиш тартиб-таомили иштирокчиси томонидан киритиладиган танловга оид таклифларни киритиш тартибини, хажмини ва кафолат турини (закалат ёки банк кафолати) белгилайди.

27. Мажлис ўтказилган санада бир давлат хариди бўйича қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг беш минг бараваридан кам миқдордаги товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) давлат хариди бўйича Харид комиссиясининг қарорлари Харид комиссиясининг сиртдан ўтказиладиган мажлисида, қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг беш минг бараваридан ортиқ миқдордаги давлат хариди бўйича харид комиссиясининг қарорлари эса Харид комиссиясининг фақат юзма-юз мажлисида қабул қилиниши мумкин.

28. Харид комиссияси иштирокчиларга танловда қатнашишга рухсат бериш ҳақидаги масалани ҳал қилиш мақсадида улар томонидан тақдим этилган материаллар асосида иштирокчиларнинг малакавий танловини ўтказади.

Бунда қуйидаги иштирокчиларнинг танловда қатнашишига йул қўйилмайди ва бу ҳақда тегишли қарор қабул қилинади:

қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик жараёнида бўлган;

буюртмачи билан суд ёки арбитраж орқали низолашаётган;

Инсофсиз ижрочилар ягона реестрида бўлган;

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан қарзи бўлган;

Харид комиссиясининг бошқа тижорат ва молиявий кўрсаткичлари бўйича талабларига жавоб бермайдиганлар.

29. Харид комиссияси танловга оид таклифлар бўлган конвертларни очиш, уларни кўриб чиқиш ва махфийликка риоя қилинган ҳолда сақлаш белгиланган тартибда амалга оширади.

30. Харид комиссияси танловга оид таклифлар бўлган конвертларни очиш вақти ва жойини белгилайди. Танловга оид таклифлар бўлган конвертларни очиш Харид комиссияси

мажлисининг ўзида коллегиял тарзда амалга оширилади.

31. Харид комиссияси танловга оид таклифларни кўриб чиқиш муддатини белгилайди. Танлов иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш муддати таклифларни тақдим этиш муддати тугаган пайтдан бошлаб ўн кундан ошиши мумкин эмас.

32. Харид комиссиясининг мажлислари юзма-юз ёки сиртдан (сўров орқали, барчанинг иштирокисиз) ўтказилиши мумкин. Юзма-юз мажлислар конференциялар (видеоконференциялар ва хоказо) шаклида ўтказилиши мумкин.

33. Харид комиссияси келиб тушган таклифларни тўғри келишини батафсил ўрганиш ва хулоса тайёрлаш мақсадида Харид комиссияси аъзолари, тегишли мутахассислар орасидан ишчи гуруҳ тузиши мумкин, шунингдек, зарурат бўлганда манфаатдор вазирлик ва идораларнинг мутахассисларини жалб қилиши мумкин. Комиссия танловга оид таклифларни баҳолаш учун эксперт ва маслаҳат берувчи ташкилотлар вакилларини жалб қилиши мумкин.

34. Харид комиссияси танлов савдоси ғолиби ва захирадаги иштирокчилар, шартномани имзолаш муддатлари ҳақида қарор қабул қилади.

39. Харид комиссияси танловга оид таклифларни баҳолашни ва Харид комиссияси томонидан ўрнатилган мезонлар асосида ғолибларни аниқлашни амалга оширади. Тақдим этилган танловга оид таклифларнинг қўшимча техник, ташкилий ва тижорат устунлиги, шунингдек, танлов иштирокчисининг нуфузи инобатга олинishi мумкин.

40. Харид комиссияси тақдим этилган конвертларнинг бутунлиги ва сақланганлигини тасдиқлаш ва танлов савдосини ўтказиш тартиб-таомилининг шаффофлигини таъминлаш мақсадида конвертларни очиш жараёнида танлов иштирокчилари вакилларининг ҳозир бўлиши ҳақида қарор қабул қилиши мумкин.

41. Харид комиссиясининг барча қарорлари Харид комиссияси мажлисларида Харид комиссияси аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлиб қолганида Харид комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи бўлади.

42. Харид комиссиясининг барча мажлислари ва қабул қиладиган қарорлари баённомалар билан расмийлаштирилади. Баённомалар Харид комиссиясининг ҳозир бўлган аъзолари томонидан имзоланиши ва Харид комиссияси раиси томонидан тасдиқланиши лозим.

Баённома Харид комиссияси котиби томонидан имзоланмаслиги, баённоманинг ҳақиқий эмас деб топилишига олиб келиши мумкин.

43. Харид комиссиясининг ҳар бир аъзоси Харид комиссиясининг иш жараёнида қарор қабул қилиши шарт, қарор қабул қилишда бетараф бўлишга йул қўйилмайди. Овоз бериш очик тарзда амалга оширилади. Яширин тарзда овоз бериш ва Харид комиссиясининг аъзолари томонидан ўз ваколатларини бошқа шахсларга беришларига йул қўйилмайди.

44. Харид комиссияси мажлисларида танаффусларга йул қуйилади. Харид комиссияси мажлисини бир кун давомида кўчириш танаффус бўлиб ҳисобланади. Харидларнинг оммавий тартиб-таомилини ўтказишда танаффус эълон қилишга фақат харидлар лотлари орасида йул қуйилади.

45. Енгиб бўлмас куч ҳолатларидан ташқари Харид комиссияси мажлисининг муддатини

бошқа кунга ўтказишга йул қўйилмайди.

46. Харид комиссияси қуйидаги ҳолларда танловни ўтмаган деб топади:

танловда битта иштирокчи иштирок этган ёки биронта иштирокчи иштирок этмаган тақдирда;

таклифларни тақдим этиш муддати тугайдиган кунга келиб танлов иштирокчиларидан иккитадан кам таклифлар келиб тушган бўлса;

келиб тушган таклифлар савдо объектининг танлов ҳужжатлари шартларига жавоб бермаса;

танлов иштирокчилари томонидан таклиф этилган нархлар танлов савдоларининг энг юқори баҳосидан ошиб кетса.

6-боб. Харид комиссиясининг жавобгарлиги

47. Харид комиссияси ижрочини аниқлаш тартиб-таомиллари давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқлиги, ўзи томонидан қабул қиладиган қуйидаги қарорларнинг асослангиллиги ва ҳолислигига, жумладан:

Харид комиссияси таркибида кворум бўлмасдан туриб қарор қабул қилганлиги;

танлов иштирокчилари интеллектуал мулкнинг дахлсизлиги ёки тижорат сирига бўлган ҳуқуқи бузилганлиги;

танлов иштирокчиларини танловни ўтказиш тартиб-таомилларида қатнашишдан асоссиз четлатганлик;

ёпиқ аҳамиятга эга бўлган тартиб-таомилга оид масалалар натижаларини очиқ муҳокама қилганлик ва кўриб чиққанлик, махфий ахборотни ошқор қилганлик, танлов иштирокчилари ёки жалб этилган мутахассислар билан тил бириктирганлик, шунингдек, бошқа ғайриҳуқуқий ҳаракатларни содир этганлик;

Харид комиссиясининг очиқ мажлисида танлов ғолибини аниқлаганлик, танлов ғолибини эълон қилиш тартиб-таомиллини бузганлик, ҳозир бўлмаган танлов иштирокчиларига ўз вақтида хабар бермаганлик учун жавобгар ҳисобланади.

48. Харид комиссияси танлов (тендер) ғолибини иштирокчилар орасидан аниқлаш тартиб-таомиллари давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги, ўзи қабул қилаётган қарорларнинг асослилиги ва беғаразлиги учун жавобгар бўлади.

49. Харид комиссияси давлат харидларининг бошқа субъектлари томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар учун жавобгар бўлмайди.

7-боб. Яқуний қоидалар

50. Қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бузилишида айбдор бўлган харид комиссияси аъзолари Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ жавобгар бўлади.

**Давлат харидларини амалга ошириш доирасида харид қилиш тартиб-таомиллари
иштирокчиларини текшириш жараёни бўйича наъмунавий
ЙЎРИҚНОМА**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Йўриқнома тендер, танлов ва ягона етказиб берувчи билан шартнома тузишда харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиларини мажбурий текширишинг асосий талаблари, тартиби ва усулларини (кейинги ўринларда харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиларини текшириш деб юритилади) белгилайди.

2. Қуйидагилар харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчисини ўрганишнинг асосий мақсади ҳисобланади:

манфаатлар тўқнашуви ҳамда меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотлар ходимларининг шахсий манфаатдорлиги билан боғлиқ бўлган коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш;

инсофсиз харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчилар билан шартнома тузиш хавф-хатарини минималлаштириш;

харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчисининг шартнома бўйича товарларини етказиб бериш ёки хизматларни кўрсатиш / ишларни бажариш имкониятларини баҳолаш;

тегишли даражада эҳтиёткорлик билан харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси билан шартнома тузиш ҳақида қарор қабул қилиш.

3. Харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчисини текшириш харид қилишнинг барча иштирокчиларига нисбатан амалга оширилади.

4. Мазкур Йўриқномада қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчисининг бенефициар (охирги бенефициар) эгаси - харид иштирокчисининг мулкдори бўлган ёки ушбу харид иштирокчисига бевосита ёки билвосита (учинчи шахслар орқали) мажбурий кўрсатмалар бериш ҳуқуқига ёки имкониятига эга бўлган ёхуд у томондан қабул қилинадиган қарорларга таъсир кўрсатиши ёки унинг ҳаракатларини бошқача усулда назорат қилиши мумкин бўлган жисмоний шахс;

ИИЯР - Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестри (https://xt-xarid.uz/registry/bad_suppliers);

харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси - давлат харидларининг субъектларидан бири ҳисобланиб, Вазирлик билан шартномавий муносабатларга киришаётган ёки киришган ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахс, меҳнат муносабатлари бундан мустасно.

манфаатлар тўқнашуви - меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотлар ходимининг шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлиги унинг хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда

ходимнинг шахсий манфаатдорлиги билан меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотлар манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият;

коррупциявий хавф-хатар - ходимлар ёки учинчи шахслар томонидан меҳнат органлари ёки ўзларининг манфаатларини кўзлаб коррупциявий ҳатти-ҳаракатларни содир этиш хавфи;

скриншот - монитор экранидан туширилган сурат.

2-боб. Харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчисини текширишнинг умумий тартиби

5. Танлов (тендер) ўтказиш бўйича харид комиссияси (кейинги ўринларда харид комиссияси деб юритилади) мазкур Ўўриқномада белгиланган тартибда харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчисини текширишга жавобгар ҳисобланади.

6. Товар ёки иш (хизмат)лар электрон дўкон ёки аукцион орқали амалга оширилганида харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчисини текшириш ўтказилмайди.

7. Танлов ёки тендер ўтказилганида харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчисини текшириш конвертлар очилганидан кейин, бироқ ғолибни аниқлаш бўйича комиссия мажлисигача ўтказилади.

8. Ўтказиб берувчи билан тўғридан-тўғри шартнома тўзилганида ушбу ўтказиб берувчини текшириш бир йилда камида бир марта ўтказилади.

9. Мазкур Ўўриқнома талабларига мувофиқ текширилиши керак бўлган харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси билан текширув ўтказилиб, унинг натижалари олинмасдан туриб шартномавий муносабатларга киришиш ёки битимлар тўзилишига йўл қўйилмайди.

10. Ўтказилган текширув натижалари мазкур Ўўриқноманинг Иловасига мувофиқ шаклда тузиладаган ҳисоботда акс этирилади (*ҳисобот Харид комиссияси котиби томонидан юритилади*).

11. Коррупцияга қарши курашиш тизимининг масъул ходими харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчисини текшириш жараёнини маслаҳат бериш форматида ва коррупцияга қарши мониторинг доирасида назорат қилади ва услубий ёрдам кўрсатади.

Харид комиссияси харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчисини қуйидагилар асосида текширади:

маълумотларнинг очиқ манбаи;

харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси томонидан тақдим этилган ҳужжатлар.

12. Танлов ёки тендер ҳужжатларини тайёрловчи шахс ҳужжатлар рўйхатида харид иштирокчисидан қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилишини кўрсатиши лозим:

давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси;

ишончноманинг ёки харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси вақилининг битимлар тузиш ва ҳужжатларни имзолаш бўйича ваколатларини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлари нусхаси;

агар мавжуд бўлса, харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчисининг коррупцияга қарши кўрашиш бўйича ички ҳужжатлари (сиёсат, низомлар, одоб-ахлоқ; қоидалари, коррупцияга

қарши дастурлар ва х.,к.);

харид қилинаётган товар ёки иш (хизмат)нинг хусусиятидан келиб чиқиб хариднинг барча иштирокчиларидан заруратга кўра сўраладиган бошқа ҳужжатлар.

13. Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ мазкур Йўриқноманинг 12-бандида кўрсатилган ҳужжатлар олиниши мажбурий бўлиб ҳисобланади, харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчисининг коррупцияга қарши кўрашиш бўйича ички ҳужжатлари ва харид иштирокчисининг охириги бенефициарлари ҳақидаги маълумотнома бундан мустасно. Харид иштирокчиси томонидан коррупцияга қарши курашиш бўйича ички ҳужжатлари ва харид иштирокчисининг охириги бенефициарлари ҳақидаги маълумотнома беришдан бош тортганда Харид комиссиясига харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси томонидан тақдим этилган ҳужжатлар асосида текширилади.

3-боб. Харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчилари ҳақидаги маълумотларни таҳлил қилиш

14. Харид комиссияси қуйидаги *йўналишлар* бўйича харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчилари ҳақидаги маълумотни текширади ва таҳлил қилади:

а) харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчисининг таъсис этилиши ва шартнома тузиш ваколати ҳақидаги маълумотни таҳлил қилиш.

Харид комиссияси Тадбиркорлик субъектлари ягона давлат реестри, давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақида гувоҳнома, ишончнома ёки харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси вакилининг битим тузиш ва ҳужжатларни тузишга ваколат берувчи бошқа ҳужжатлардаги маълумотларни таҳлил қилади ва қуйидагиларни аниқлайди:

харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчисининг Тадбиркорлик субъектлари ягона давлат реестрида мавжудлиги;

харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчисининг юридик ва ҳақиқий манзили;

харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси раҳбари ва муассисларининг Ф.И.О.;

харид иштирокчиси асосий фаолиятининг харид предметига мувофиқлиги;

харид иштирокчиси тугатиш жараёнида эмаслиги ёки фаолияти тугатилмаганлиги;

харид иштирокчисининг йиллар давомида фаолият олиб бориш муддати (харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси текширилган сана билан юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган сана ўртасидаги фарқи);

б) солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорлик мавжуд эмаслигини текшириш.

Харид комиссияси харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчисида солиқ қарзи мавжуд эмаслигини солиқ органларининг электрон давлат хизматлари портали орқали текширади (<https://my2.soliq.uz>);

в) харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчисига нисбатан банкротлик тартиб-таомиллари жорий этилмаганлиги.

Харид комиссияси харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчисига нисбатан банкротлик тартиб-таомиллари жорий этилмаганлигини солиқ органларининг электрон давлат хизматлари

портали орқали текширади (<https://my2.soliq.uz>);

г) харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси ҳақида Инсофсиз ижрочилар ягона реестрида ёзув мавжуд эмаслиги.

Харид комиссияси харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси ҳақида Инсофсиз ижрочилар ягона реестрида ёзув мавжуд эмаслигини давлат харидларининг махсус ахборот порталида (https://xt-xarid.uz/registry/bad_suppliers) текширади;

д) ахборотларнинг очик манбаларида эҳтимоли бўлган коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида маълумотлар мавжуд эмаслиги.

Харид комиссияси харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси томонидан содир этган бўлиши мумкин бўлган коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги маълумотларни Интернет тармоғидаги “Google” ёки бошқа кидирув тизимида очик излаш йўли билан ўрганади. Текширув ўтказиш мақсадида Харид комиссиясининг масъул аъзоси кидирув қаторига қуйидаги комбинацияларни киритади:

“харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси номи” коррупция”;

“харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси номи” пора”;

“харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси раҳбарининг фамилияси, исми” коррупция”;

“харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси раҳбарининг фамилияси, исми” пора”;

“муассис/мулкдор фамилияси, исми” коррупция”;

“муассис/мулкдор фамилияси, исми” пора”;

“охирги бенефициарнинг фамилияси, исми” коррупция”;

“охирги бенефициарнинг фамилияси, исми” пора”;

е) харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси сайтдаги маълумотларнинг таҳлили.

Харид комиссияси харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчисида расмий сайт мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини аниқлайди. Харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчисида расмий сайт мавжуд бўлганда Харид комиссиясининг масъул аъзоси томонидан сайтда коррупцияга қарши ҳужжатлар ва янгиликлар, шунингдек, коррупцияга қарши кўрашиш бўйича бўлим мавжудлигини аниқлайди;

ж) меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотларнинг харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси билан ўзаро ҳамкорлиги тарихининг таҳлили.

Харид комиссияси буюртмачи билан харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси ўртасида охириги 3 йилда шартномавий муносабатлари мавжудлигини аниқлайди. Бундай муносабатлар аниқланганда олдин тўзилган шартномаларни ўз вақтида, лозим даражада ва сифатли ижро этилганлиги, шунингдек, бундай харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчисининг коррупциявий фаолиятда иштирок этганлигини тасдиқловчи фактлар ва шубҳалар таҳлил қилиниши лозим;

з) харид иштирокчиларида шартномани бажариш учун зарур техник, молиявий, моддий, кадрларга оид ва бошқа ресурслар мавжудлигининг таҳлили.

Харид комиссияси котиби харид иштирокчиларида шартномани бажариш учун зарур техник, молиявий, моддий, кадрларга оид ва бошқа ресурслар мавжудлиги (объектларни кўриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишлари бундан мустасно) таҳлил қилиниши лозим.

Вазирлар Махкамасининг 2020 йил 18 февралдаги 91-сон қарори билан тасдиқланган объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишлари бўйича намунавий танлов ва тендер ҳужжатлари асосида танловни (тендерни) ташкил этиш ва ўтказиш фақат 2020 йилда кўрилиши, реконструкция қилиниши ва капитал таъмирланиши назарда тутилган объектларга нисбатан амал қилади.

4-боб. Манфаатлар тўқнашуви мавжуд эмаслигини текшириш

15. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунининг 39-моддасига асосан давлат буюртмачисининг, махсус ахборот портали операторининг мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари, шунингдек, харид комиссиясининг аъзолари харид қилиш тартиб-таомилларини амалга оширишда ўз иштирокидаги давлат харидларига доир битимнинг натижаси бўлиши мумкин бўлган исталган шахсий нафни бевосита ёки билвосита олиш ҳуқуқига эга эмас.

16. Харид комиссиясининг масъул аъзоси конвертларни қуйидаги тарзда очгандан кейин бир кун ичида манфаатлар тўқнашувининг йуқлигини текширади:

Вазирликнинг ходимлари объективкаларининг маълумотлари базасида харид қилиш тартиб-таомиллари иштиракчиси номи мавжудлигини текширади. Бунинг учун ходимларнинг маълумотнома-объективкалари сақланадиган электрон папкада “Излаш” майдонига харид қилиш тартиб-таомиллари иштиракчиси номи киритилади ва “Enter” тугмаси босилади. Ходимлар объективкасида унинг номи аниқланганда объективкасида тасодиф аниқланган ходимга аниқлаштирувчи сўров юбориш йўли билан манфаатлар тўқнашувининг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги бўйича навбатдаги таҳлил амалга оширилади;

Вазирликнинг ходимлари объективкаларининг маълумотлари базасида муассислар, раҳбарлар ва охириги бенефициарлар мавжудлигини текширади. Бунинг учун ходимларнинг маълумотнома-объективкалари сақланадиган электрон папкада “Излаш” майдонига муассислар, раҳбарлар ва охириги бенефициарлар номи навбат билан киритилади ва “Enter” тугмаси босилади. Тасодифлар аниқланганда уларга ходимнинг объективкасида ва харид қилиш тартиб-таомиллари иштиракчиси томонидан охириги бенефициарлар ҳақида берилган маълумотномада кўрсатилган шахснинг туғилган санасини текшириш йўли билан янада аниқлик киритилади. Тўлиқ тасодиф аниқланганда ходимга аниқлаштирувчи сўров юбориш йўли билан манфаатлар тўқнашувининг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги бўйича навбатдаги таҳлил амалга оширилади.

17. Манфаатлар тўқнашувининг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги ҳақидаги қарор текширув ўтказган харид комиссиясининг масъул аъзоси томонидан қабул қилинади.

18. Ягона етказиб берувчи билан шартнома асосида харидлар амалга оширилган тақдирда, Харид комиссиясининг масъул аъзоси томонидан харид қилиш тартиб-қоидаларида иштирак этган шахслардан ҳужжатлар олинган кундан бошлаб ягона етказиб берувчини текшириш жараёни ушбу Йўриқноманинг 16-бандига мувофиқ амалга оширади.

19. Харид комиссиясининг масъул аъзоси (Кадрлар бошқармаси) текширув натижаларига кўра Харид комиссияга манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги ҳақидаги маълумотни ўз ичига олган хизмат хатини юборади.

20. Манфаатлар тўқнашуви аниқланганда Харид комиссияси қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

а) Вазирликнинг бошқа манфаатдор ходими билан харид иштирокчиси ўртасида манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлганда: харид иштирокчиси харидда қатнашишдан четлаштирилади;

б) Харид комиссияси аъзоси билан харид иштирокчиси ўртасида манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлганда: харид бекор қилинади ва такрорий харид ташкил қилинади, манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлган Харид комиссиясининг аъзоси харидда қатнашишдан четлаштирилади.

21. Мазкур Йўриқноманинг 21-банди “а” ва “б” кичик бандларида назарда тутилган ҳолларда қуйидаги чоралар кўрилиши керак:

иштирокчиларнинг таклифларини баҳолаш фақатгина очик тарзда амалга оширилади. Харид комиссиясининг мажлисида қатнашиш учун овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчисини танлаш жараёнининг шаффофлиги ва ҳолислигини назорат қиладиган Вазирликнинг Коррупцияга қарши кўрашиш “Комплаенс назорат” шўъбаси ходими таклиф қилиниши лозим. Коррупцияга қарши кўрашиш “Комплаенс назорат” шўъбасининг ходими харид комиссиясининг йиғилишида видеоконференцалока воситасида ҳам иштирок этиши мумкин;

иштирокчини рад этиш ҳақидаги маълумот харид комиссияси мажлисининг баённомасида кўрсатилади.

22. Агар буюртмачи ходими ва ягона етказиб берувчи ўртасида манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлса, шартнома тузилмайди. Бундай ҳолатда харид қилиш тартиб-таомиллини айна ўша шартларда ҳамда товарга (ишга, хизматга) доир айна ўша мезонларга ва талабларга мувофиқ такроран амалга ошириши шарт.

5-боб. Яқунловчи қондалар

23. Харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчисини текшириш ҳақидаги ҳисобот Харид комиссияси котиби томонидан харид комиссиясига етказилади ва якуний қарор қабул қилинишида инобатга олинада, бу ҳақда комиссия мажлисининг баённомасида кайд этилади.

24. Харид комиссияси, агар текширув натижаларига кўра улар Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунининг 29 ва 34-моддаларига мувофиқ келмаса иштирокчилар кўрсатилган мезонларга жавоб бермайди деб топади.

25. Агар харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчисини текшириш натижаларига кўра коррупциявий хавф-хатарнинг мавжудлигидан ёки коррупцияга қарши кўрашиш тизимининг мавжуд эмаслигидан далолат берувчи маълумотлар аниқланганда, яъни 12 ва 14-бандларда тегишли маълумотлар кўрсатилганда, унда коррупциявий хавф-хатарни минималлаштириш бўйича қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилиши лозим:

иштирокчиларнинг таклифларини баҳолаш фақатгина очик тарзда амалга оширилади. Харид комиссиясининг мажлисида қатнашиш учун овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ

харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчисини танлаш жараёнининг шаффофлиги ва ҳолислигини назорат қиладиган Коррупцияга қарши курашиш тизимининг ходими таклиф қилинади. Коррупцияга қарши курашиш тизими ходими харид комиссиясининг мажлисида видеоконференцалоқа воситасида қатнашиши мумкин;

агар коррупциявий хавф-хатар билан тавсифланган иштирокчи танлов ёки тендер ғолиби деб топилганда, Меҳнат органлари тизимида давлат харидларини мувофиқлаштириш шўъбаси тузиладиган шартнома шартларини иштирокчининг аризасига ва танлов ёки тендер ҳужжатлари шартларига мувофиқлигини текшириши лозим;

агар коррупциявий хавф-хатар билан тавсифланган иштирокчи танлов ёки тендер ғолиби деб топилганда, харид натижалари (маҳсулот етказиб бериш, хизмат кўрсатиш, иш бажариш)ни қабул қилиш Вазирликдаги турли таркибий бўлинмаларининг камида уч нафар ходими томонидан Коррупцияга қарши курашиш “Комплаенс назорат” шўъбаси масъул ходими иштирокида амалга оширилади.

27. Текширув натижалари ҳақидаги ҳисобот харид ҳужжатларига қўшилади ва Ишлар бошқармасида (бўлим, мутахассис) ҳамда бухгалтерия (бўлим, ҳисобчи)да сақланади.

Давлат харидларини амалга ошириш
доирасида харид қилиш тартиб-
таомиллари иштирокчиларини
текшириш жараёни бўйича
наъмунавий йуриқномага
ИЛОВА

Харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчисини текшириш
ҳақидаги
ҲИСОБОТ

1. Харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси номи	<hr/>		
2. СТИР	<hr/>		
3. Рўйхатга олиш санаси	<hr/>		
4. Манзил	<hr/>		
<hr/>			
5. Раҳбар Ф.И.О	<hr/>		
6. Муассислар Ф.И.О.	<hr/>		
7. Охирги бенефициарлар Ф.И.О.	<hr/>		
8. Иштирокчи шартнома тузишга ваколатлими?	<input checked="" type="checkbox"/>	Ҳа	<input checked="" type="checkbox"/> Йўқ
9. Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлик мавжудми?	<hr/>		Сўм
10. Харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчисига нисбатан банкротлик тартиб-таомилларининг жорий қилинганми?	<input checked="" type="checkbox"/>	Ҳа	<input checked="" type="checkbox"/> Йўқ
11. Инсофсиз ижрочилар ягона реестрида харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси ҳақидаги ёзувлар мавжудми?	<input checked="" type="checkbox"/>	Ҳа	<input checked="" type="checkbox"/> Йўқ
12. Иштирокчи хариднинг бошқа иштирокчилари билан афилланганми?	<input checked="" type="checkbox"/>	Ҳа	<input checked="" type="checkbox"/> Йўқ
13. Бўлиши мумкин бўлган коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида маълумот мавжудми?	Мавжуд эмас / Манбаа: [ҳавола], [Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тавсифи / харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчисининг порахўрлиги]		
14. Коррупцияга қарши ҳужжатларнинг мавжудми (тақдим этилган ёки сайтдаги)?	<input checked="" type="checkbox"/>	Ҳа	<input checked="" type="checkbox"/> Йўқ

15. Харид қилиш тартиб таомиллари иштирокчиси сайти

Мавжуд эмас / Сайтнинг адреси: [ҳавола], фаолият юритади / юритмайди

16. Харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси ресурслари хажми шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришга етарлими?

√

Ҳа

√

Йўқ

17. Манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги маълумот мавжудми?

√

Ҳа

√

Йўқ

18. Ҳисоботга илова қилинган бошқа материаллар

а) _____

б) _____

в) _____

г) _____

19. Харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчисини текширадиган ходим ҳақида маълумотлар

Ф.И.О. _____

Лавозими _____

Ҳисобот тузилган сана _____

Лот рақами _____